

2. Таркибий ўзгаришлар динамикасидаги силжишлар ва уларнинг макроиқтисодий оқибатлари


С.В.Чепель,
М.А.Катанова
СИСМ

Узоқ муддатли иқтисодий ўсишга эришиш йўлида мамлакатни одимлаб бораётганлигидан 2003 йил якунлари далолат беради. Аввало, ЯИМ ва бошқа макроиқтисодий индикаторларнинг эришилган даражаси, валюта бозорини эркинлаштириш муаммоларининг ҳал этилиши, кимё, газни қайта ишлаш, енгил саноатларида янги қувватларнинг ишга туширилиши, аҳоли даромадларининг ўсиши юқоридаги фикр тўғрилигидан далолатдир. Шу билан бир вақтда, эришилган ўсишнинг сифати рақобатбардош миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш талаблари, жаҳон иқтисодиётини глобаллашув жараёнининг шартлари ва чақириқларига тўлалигича жавоб бермайди. ЯИМ энергия сифими ва умуман иқтисодиётнинг материал сифими нисбатан юқорилигича қолмоқда. Хусусий жамғармалар ҳанузгача иқтисодий ривожланишнинг салмоқли манбаси бўлолмаётир. Баҳолар, ишлаб чиқариш, даромадлар ва х.к. номутанносиблигига барҳам берилганича йўқ.

Ишлаб чиқариш, ЯИМ, экспорт, даромадларнинг ошиши, иқтисодиётнинг таркибий тавсифлари яхшиланиб бориши ёки бошқача қилиб айтганда ўсиш сифати ошишида намоён бўлувчи иқтисодий ўсиш барқарор тавсифга эга бўлиб бормоқда. Аввало маҳсулот ишлаб чиқариш, харажатлар, даромад манбалари ва уни тенг тақсимланиши, баҳолар нисбатлари, инвестициялар таркиби, экспорт, пул массаси, мулкчилик шакллари ва х.к. таркибий ўзгаришлар иқтисодиётни ривожланиш тенденцияларини белгилаб бермоқда.

ЯИМ нинг ишлаб чиқариш таркиби динамикасида (2.1-чизма) кўриниб турибдики ўтиш даврида иқтисодиёт таркибида салмоқли ўзгаришлар юз берди. Улар хизмат кўрсатиш соҳаси улушини ўсиши (1991 йилдаги 26,2%дан 2003 йилда 44,2%гача) ва саноат улушини камайиш (мос равишда 26,2%дан 17,4%гача) тенденциялари билан тавсифланади. Агар биринчи тенденция бозор инфратузилмасини яратилиши билан боғлиқ бўлиб ижобий бўлса, иккинчиси аввалдан мавжуд бўлган йирик ва ўрта саноат корхоналарини, фаолият юритишнинг янги шароитларига мослашувидаги маълум муаммолар борлигидан далолат беради. Иқтисодиётдаги ортга қайтишнинг (1996 йилгача) муддатига нисбатан бу ўзгаришларни узоқ давом этганлиги (2000 йилгача) бундан далолатдир. Лекин, 2002 йилдан бошлаб мослашиш даврини якунланишининг аниқ белгилари кузатилди, чунки саноат улуши яна ошиб борди.

2.1-чизма. ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби (соф эгри солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда тармоқлар қўшимча қийматларининг улуши, %)



Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-аналитик шарҳининг маълумотлари асосидаги муаллиф ҳисоб-китоблари.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажмида қайта ишлаш тармоқларининг самарадорликнинг муҳим индикатори бўлиб ҳисобланади. Ривожланган давлатларда бундай ишлаб чиқаришларнинг улуши саноат ишлаб чиқаришининг $\frac{3}{4}$ ва ундан кўпроғини ташкил этади. Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб ушбу индикаторнинг динамикаси (машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш 42,5%-44% оралиғида ўзгариб турган. Бу таркибий-инвестицион ўзгаришлар самарадорлигини ошириш, уларни амалга ошириш механизмларини, аввало банк тизими ва фонд бозорларини

ривожлантириш асосида хусусий жамғармаларни рағбатлантириш ва улардан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш заруратидан далолат беради.


Инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитлари улушини 1995 йилдаги 10%дан 2002-2003 йилларда 1,5-3%гача камайиш тенденцияси кузатилган. Сўнгги йилларда инвестиция ресурсларининг катта қисми бюджет маблағлари ёки ҳукумат кафолатлигига берилган хорижий инвестициялар ҳисобига шаклланган. Уларни тақсимот таркибида саноат сектори ва транспорт катта салмоқни ташкил этади. Бу инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш талабларига тўлиқ жавоб бермайди, чунки ЯИМнинг ярмидан ортиғи яратиладиган ва катта экспорт салоҳиятига эга бўлган қишлоқ хўжалиги, капитал сиғими энг кам бўлган иқтисодиёт сектори – хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига сўнгги йилларда инвестициялар умумий ҳажмининг жуда оз қисми тўғри келган, хусусан қишлоқ хўжалигига йўналтирилгани 5-6% ортмаган.

Юқорида кўриб ўтилган тенденциялар билан бир қаторда иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Монетар сиёсат учун инфляциянинг юқори даражасини қайта тикланиш ҳатарини кучайтирувчи пул массасидаги нақд пул улушини юқорилаб кетганлиги, иқтисодиётни монетизация коэффицентини 11-12% камайиши инвестицион фаолликни камайиши ва тўловсизликни кескинлаштириш ҳатарига барҳам бериш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Миллий экспортнинг сақланиб қолган хом-ашёвий тавсифи мамлакатни қулай шартларда ЖСТ кириш масаласини ҳал қилишини мураккаблаштиради. Ташқи савдо соҳасида кичик ва хусусий бизнес корхоналари етарли даражада иштироки таъминланмади. Ушбу секторни 2000 вакиллари орасида экспорт қилувчилар учун имтиёзлар мавжудлигига қарамадан сўралганларнинг фақатгина 3% экспорт билан шуғулланган¹.

Иқтисодиётда ишлатилмаётган ресурслар таркибидаги ўзгаришлар иқтисодий ўсиш динамикасига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси иқтисодиёт бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган тармоқлар улушининг ўсиши самарадорликнинг умумий даражасини оширмоқда ва аксинча. Иқтисодиёт таркибида, материал сиғими (аввало энергия сиғими юқори), капитал сиғими ва сув сиғими юқори тармоқлар улушини камайтириш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш вазифаси Ўзбекистон учун муҳимдир.

Ўтиш даври йилларида банд бўлганларнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар тенденциялари хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар улушини ўсиши (36%дан 46.5%гача), шунингдек саноатдаги улушини бир маромда камайиши (1991 йилдаги 13.3%дан 2002 йилдаги 12.7%гача, 2.2-чизма) билан тавсифланади, бу саноат корхоналарини хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашиш жараёнини акс эттиради.

2.2-чизма. Иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича банд бўлганлар таркибининг динамикаси (%)



Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-аналитик шарҳининг маълумотлари (иқтисодий трендлар).


Агар ислоҳ қилиш йилларигача банд бўлганларнинг катта қисми (40 дан 50%гача) қишлоқ хўжалигига тўғри келган бўлса, тадқиқ этилаётган давр охирига хизмат кўрсатиш соҳаси биринчи ўринга чиқди (2002 йилда 46.5%, қишлоқ хўжалигида эса 33%). Бу ўзгаришларнинг натижасида саноат ва қурилиш тармоқларида банд бўлганлар сони 1991-2002 йиллар мобайнида 23%дан 20%гача қисқарди.

Ҳозирги вақтда шаклланган бандлик таркиби кўп жиҳатдан илгари мавжуд бўлган саноат корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашувининг табиий жараёнлари билан изоҳланади. Бу тенденцияга барҳам бериш, аввало қайта ишлаш саноати тармоқларида ва юқори технологик хизматлар (ахборот, тиббий, консалтинг, сайёҳлик ва х.к.) кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратишни талаб этади. Бу банд бўлганлар таркибида саноат улушини кўпайтириш ва меҳнатдан фойдаланишнинг тармоқ самарадорлигини ошириш имконини беради.

¹ Ўзбекистонда ишлаб чиқариш учун муҳит кичик ва ўрта бизнес вакиллари нигоҳида. Халқаро молия корпорацияси. 2002 й.

Моддий ресурслардан етарли даражада самарали фойдаланмаслик сўнги йилларда эришилган ЯИМ ўсиш суръатларини сазиларли равишда камайиш ҳатарини келтириб чиқаради. Иқтисодиёт бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда оралиқ маҳсулотнинг (моддий харажатлар) улуши динамикаси бундан далолат бермоқда (материал сиғими – 2.3-чизма).

2.3-чизма. Россия ва АҚШни таққослаганда 1990-2002 йилларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги оралиқ маҳсулот улушининг динамикаси (ишлаб чиқаришга нисбатан % ҳисобида)




Манба: Г.П. Литвинцева «Продуктивность экономики России и структурные сдвиги в производстве товаров и услуг» Вопросы статистики, 4/2003г.

1993 йилдан материал сиғими камайиш тенденцияси кузатила бошланганлигига қарамасдан, ўтиш даврининг босқичига хос ресурслардан самарасиз фойдаланишга барҳам берилганича йўқ., Иқтисодиёт бўйича материал сиғими кўрсаткичи нафақат ривожланган, балки ўтиш даври иқтисодиётидаги (мисол учун Россия) мамлакатлар даражасидан ҳам юқорилиги сақланиб турибди. Бу миллий иқтисодиётни хомашёвий йўналтирилганлиги сақланиб қолинганлигидан далолат беради.

Ўтиш даври йилларида материал сиғимининг юқори даражаси саноатга хос бўлган. Тармоқ ялпи маҳсу-

лот ишлаб чиқаришда оралиқ маҳсулотининг улуши 77÷80% оралиғида ўзгариб турган, бу қазиб олувчи секторни (ишлаб чиқариш таркибида 47-50%) етакчилик роли ва бир қатор қайта ишлаш тармоқларида (мисол учун, пахтани қайта ишлаш саноати) материал сиғимининг юқорилигини акс эттиради. Бунда оралиқ маҳсулотни тақсимот таркибида саноат улушининг камайиши (1991 йилдаги 50%дан сўнги уч йилда 31-33%гача – 2.4-чизма), иқтисодиётдаги умумий материал сиғимини камайиш тенденциясининг асосий омили бўлиб хизмат қилди (2.4-чизма).

2.4-чизма. 1990-2002 йилларда ишлаб чиқарилган ялпи товар ва хизматлардаги (материалсиғими) оралиқ маҳсулот улушининг динамикаси (ишлаб чиқаришга нисбатан % ҳисобида)




Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-аналитик шарҳининг маълумотлари асосидаги муаллиф ҳисоб-китоблари (иқтисодий трендлар).

Индексли услублардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган материал сиғими динамикасини ҳисоб-китобларининг кўрсатишича (2.1-жадвал ва 2.5-чизма), иқтисодиёт бўйича 1997 йилдан бошлаб моддий харажатлар таркибида саноат улушининг камайиши ва оралиқ маҳсулотини тақсимлашдаги таркибий ўзгаришлар ҳисобига ушбу индикаторнинг динамикасида ижобий тенденция таъминланди. Ҳисобот даврининг сўнги етти йилида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг материал сиғимини 1 дан 4 фоиз даражага камайиши ушбу омил ҳиссасига тўғри келади. Бу умумий материал сиғимини сўн-

ги етти йил давомида 35 фоиз даражага салбий оқибатини олдини олишга хизмат қилди.

2.5-чизма. Иқтисодиёт бўйича материал қайтимини ўзгаришидаги таркибий силжишлар омили улушининг динамикаси (1991-2002)



Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-аналитик шарҳининг маълумотлари бўйича индексли услублар асосидаги муаллифлар ҳисоб-китоблари.

2.1-жадвал. Фойдаланилаётган ресурслар таркибидаги ўзгаришларнинг макроиқтисодий самарадорлик индикаторларига таъсирини баҳолаш

	1991	1995	2000	2002	Барча давр мобайнида
А. Моддий харажатлар					
a1 Материал қайтимининг ўзгариши жами	-5.37	0.92	1.03	0.81	-0.80
a2 ш.ж. тармоқ материал қайтими ҳисобига	-0.69	-2.29	-5.90	-7.08	-15.31
a3 Моддий ресурсларни тақсимлашдаги ўзгаришлар ҳисобига	-4.68	3.21	6.93	7.89	14.51
Б. Меҳнат ресурслари					
b1 Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши жами	-6.87	-0.99	1.02	2.20	-17.45
b2 ш.ж. тармоқлар бўйича меҳнат унумдорлиги ҳисобига	-7.74	3.63	-6.98	2.28	21.02
b3 Меҳнат ресурсларини тақсимлашдаги ўзгаришлар ҳисобига	0.87	-4.62	8.01	-0.08	-31.79
В. Асосий капитал					
v1 Фонд қайтимининг ўзгариши жами	-3.0	-1.4	4.3	1.5	-11.9
v2 ш.ж. тароқлар бўйича фонд қайтимининг ўзгариши ҳисобига	-3.4	6.4	3.0	7.0	28.3
v3 Асосий капитални тақсимлашдаги ўзгаришлар ҳисобига	0.44	-7.85	1.31	-5.46	-31.31

Изоҳ: тармоқ таркибий ўзгаришларини иқтисодиёт самарадорлик индикаторларининг ўзгаришига таъсирини баҳолаш қуйидаги нисбатлар асосида амалга оширилди:

$\Delta eL + eL - eL(-1)$ – меҳнат унумдорлигининг ўгариши жами ($eL(-1)$ – ўтган ва асос қилиб олинган давр меҳнат унумдорлиги), шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:

$\Delta eL^e + \Sigma eL_i \cdot sL_i(-1) - eL(-1)$ – тармоқ меҳнат унумдорлигининг ўзгариши ($sL_i(-1)$ – асос қилиб олинган даврда банд бўлганларнинг тармоқ таркиби);

$\Delta eL^s + \Delta eL - \Delta eL^e$ – таркибий ўзгаришларнинг таъсири ҳисобига;

оралиқ маҳсулотдан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши ΔeIP ва фонд қайтимини ташкил этувчиларга бўлиш шу тартибда амалга оширилади,

бу ерда, $eL_i + VE_i / L_i i + 1 \div 4$ – меҳнат унумдорлиги (тармоқ қўшимча қиймати бўйича);

$eFC_i + VE_i / FC_i i + 1 \div 4$ – фонд қайтими (тармоқ қўшимча қиймати бўйича);

$eIP_i + VE_i / X_i i + 1 \div 4$ – оралиқ маҳсулотдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи сифатида тармоқда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотдаги қўшимча қиймат улуши;

$dIP_i + IP_i / X_i i + 1 \div 4$ –тармоқда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотдаги оралиқ маҳсулоти улуши.

Асосий капитални тармоқ таркибидаги ўзгаришлар тавсифини ижобий деб бўлмади, чунки саноатда асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги (фонд қайтими) 1994 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва секторларидаги самарадорлик даражасидан пасайиб кетди. Натижада, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида асосий капитал самараси сезиларли равишда ошганлигига қарамасдан, умумий самарадорлик 12-13 фоиз даражага пасайди. Ушбу динамикадаги энг катта улуш таркибий омил ҳиссасига тўғри келади. Демак, асосий капитал самарасини умумий даражасининг камайиш тенденцияси биринчи навбатда мувозанатлаштирилган таркибий-инвестиция сиё-

сат юритишни, маблағ ва инвестицияларни айланиш циклини қисқартиришни, капитал сиғими кам бўлган қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини устивор ривожлантиришни талаб этади.

Бу тенденцияларнинг сақланиб қолиши иқтисодиёт таркибини яхшилаш, хусусан 2010 йилгача бўлган даврга таркибий ўзгаришлар концепциясининг лойиҳасида кўзда тутилганидек, ЯИМ sanoat улушини 2002-2003 йиллардаги 16-17% 2010 йилгача 24-25% ошириш вазифасини ҳал этишни қийинлаштириши мумкин. Турли сценарийлар бўйича 2010 йилгача бўлган даврга амалга оширилган башорат ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ҳозирги тенденция бўйича sanoatни материал сиғими шу даврнинг охирига 73% қисқарса, у ҳолда ЯИМ йиллик ўсиш суръатлари 2003 йилдаги 4,4%дан 2010 йилга 9%гача ошиши оралиқ маҳсулотни истеъмол қилинишининг ўсиши 185% ташкил этиши лозим. Шаклланган харажатлар таркибида энергетик қувватлар истеъмол қилинишини 176,3% (2003 йилдаги кўрсаткичга нисбатан) ошириш демакдир. Таркибий ўзгаришлар концепцияси доирасида фақатгина sanoat тармоқларида ресурсни тежаш жараёнини интенсивлаштириш даражасини ошириш орқалигина бунга эришиш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги ҳисобига оралиқ маҳсулоти сарфининг салмоғи 2010 йилгача 62% ёки 2003 йил кўрсаткичига нисбатан деярли 1,23 мартага қисқариши лозим. Демак, иқтисодиётни ривожланиш суръатларини жадаллашиб бориш шароитида sanoatнинг ички тармоқ таркибини яхшилаш ва бевосита sanoat ишлаб чиқариши материал сиғимини салмоқли равишда камайтириш асосида яқин 7÷10 йил ичида иқтисодиёт таркибини яхшилашга эришилади.

Миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, жорий иқтисодий сиёсат бўйича юқорида кўриб ўтилган масалаларни ҳал қилиниши бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Булар орасида биринчи ўринда амалга ошириши лозим бўлган чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иқтисодиётни ривожланиши ва ислоҳ қилиниши мониторинги ва таҳлилининг аъъанавий ишлаб чиқаришни ўсиши ва бандлик бўйича кўрсаткичларидан (sanoat, қишлоқ хўжалиги, инвестициялар динамикаси ва ҳ.к.) таркибий ва сифат индикаторларига ўтиш (экспорт таркибида тайёр маҳсулот улуши, кичик ва хусусий корхоналарда банд бўлганлар улуши, инвестициялар таркибида хусусий капиталнинг улуши, тармоқ материал сиғими, хусусий секторни ажратган ҳолда энергия сиғими ва капитал сиғими, sanoatнинг янги ва аввалги секторларида меҳнат унумдорлиги ва ҳ.к.);

- иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожланишини жадаллаштириш, унинг таркибини яхшилаш, транзакцион харажатларни камайтириш, моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш, иқтисодий ўсишнинг ички манбаларини фаоллаштириш учун бошқа заминларни яратишни кўзда тутувчи иқтисодий ривожланишнинг янги, капитал сиғими кам бўлган манбалар ва омилларга таянишда сармоядар ва тадбиркорларни рағбатлантирувчи макроиқтисодий шароитларни яратиш;

- фонд бозорларини ривожланишини жадаллаштириш, воситачилик хизматларида рақобатни рағбатлантириш, фонд бозорида хорижий қимматбаҳо қоғозлар ва депозитар тилхатлар айланмасини кенгайтириш, инвестицион оқимларни тартибга солишнинг асосий механизми сифатида фоиз ставкаси ролини ошириш йўли билан ички бозорда инвестицион оқимлар ва капитал фаоллигини ошириш орқали тўсиқларни олиб ташлаш.

Ўсишни таркибий ва сифат омилларини фаоллаштиришнинг миллий дастурини илмий-услубий жиҳатдан асослаш, миллий ҳисоблар тизимида асосланган «харажатлар-ишлаб чиқариш» ҳисобот йиллик-жадваллари тизимини шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича ишларни жадаллаштириш лозим. Дунёнинг илғор ривожланаётган давлатлари ва ўтиш даври иқтисодиётини ўтаётган мамлакатлар тажрибаси ва биринчи навбатда Россия тажрибаси бундан далолат беради.